



РИСК-МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА СУГУРТА КОМПАНИЯСИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Эргашева Фарангиз

Тошкент банк-молия академияси магистранти

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 7 DOI:https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a8	Мазкур мақолада сугурта фаолиятида сугурта компанияларининг молиявий барқарорлиги, сугурта хизматларида сугурталанувчилар ишончини таъминлашда сугурта компанияси молиявий барқарорлигининг ўрни, молиявий барқарорлик билан боғлиқ маълумотлар шаффофлигини таъминлаш ҳамда молиявий барқарорликни ошириш масалалари тўғрисида тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур масалада олим ва тадқиқотчилар томонидан олиб борилган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда ва ушбу тадқиқот давомида эришилган натижалар асосида хулосалар шакллантирилган.
KEYWORDS	Молиявий барқарорлик, шаффофлик, тўловга қобиллик, сугурта назорати, устав капитали, хусусий капитали, эркин активлари, сугурта заҳираси, сугурта портфели.

Кириш (Introduction/Введение)

Сугурта фаолияти бошқа соҳалардан фарқ қилувчи ўзига хос соҳа бўлиб, миллий сугурта бозорида фаолият кўрсатаётган сугурта компанияларига нисбатан сугурталанувчиларда ишончининг ҳосил бўлиши ушбу бозорнинг кенгайиши ва ривожланишида асосий омил ҳисобланади. Чунки сугурталанувчилар сугурта компанияси билан ўз таваккалчиликлари билан боғлиқ зарарларни қоплаш мақсадида сугурта шартномасига имзо қўйгандан кейин “сугурта мукофоти” деб номланган маблағни сугурта компаниясига тўлайди. Аммо улар мазкур сугурта компаниясининг мавжуд молиявий ҳолати тўғрисида етарли маълумотга эга бўладилар. Сугурта компанияларининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар шаффофлиги масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, сугурта компаниялари бугунги кунда ўзларининг алоҳида сайтларида эга бўлсаларда, ушбу сайтларда уларнинг молиявий ҳолатини кўрсатиб берувчи кўрсаткичлар мавжуд эмас. Жами миллий сугурта бозори тўғрисида ваколатли органнинг йиллик ҳисоботи мазкур органнинг сайтида эълон қилинсада, ушбу ҳисоботда ҳам бозорнинг молиявий аҳволини тўлиқ очиб берувчи тахлилий маълумотлар етарлича берилмайди. Сугурта ҳодисаси юз берганда эса катта миқдордаги қопламани ушбу сугурталанувчиларга тўлаб бериш учун сугурта компанияси молиявий жиҳатдан тўловга қобил бўлиши мазкур соҳадаги муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Сугурта компанияларининг молиявий фаолиятини тўғри ва рационал ташкил қилиш унинг самарали фаолиятга эришишида муҳим фактор ҳисобланади[1]. Бунинг учун уларнинг ушбу фаолиятини доимий равишда ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш зарур. Сугурта компанияларининг молиявий жараёнларини sanoat корхоналарининг молиявий жараёнларини таҳлил қилишда қўлланиладиган усуллар билан таҳлил қилиб бўлмайди. Бу ушбу фаолиятнинг ўзига хослиги билан изоҳланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (анализ использованной литературы. Literature review).

Сугурта компанияларининг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, шундай тадқиқотлардан баъзиларида сугурта компаниясининг молиявий

барқарорлиги тўғрисида берилган фикрларни келтирамыз. Тадқиқотчи Б.Ҳақбердиев томонидан олиб борилган тадқиқотда тадқиқотчи сугурта компанияларининг молиявий барқарорлиги масаласида шундай фикр билдиради: Ҳозирги даврда шу тан олинганки, сугурталовчининг молиявий барқарорлигини аниқлаш масаласи – сугурталовчиларнинг ўзлари, уларнинг ҳамкорлари, сугурталанувчилар ва давлатнинг муаммоси. Давлат сугурта назоратига тақдим этиладиган маълумотларнинг катта қисмидан сугурталанувчилар фойдаланиш имкониятига эга эмас[2]. Н.Хасанов ва С.Нажбиддиновларнинг фикрига кўра, молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш активлардаги ўзининг ва қарз маблағлари нисбати, ўз маблағларини тўплаш суруятлари, корхона узок муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятларининг нисбати, моддий оборот маблағларининг ўз маблағлари билан қанчалик таъминланганлигини баҳолашга асосланади[3]. Россиялик профессор Л.А.Орланюк-Малицкая молиявий барқарорликни шундай талқин қилади: “молиявий барқарорлик бозор субъектининг ўзгариб бораётган иқтисодий муҳитда ўз молиявий ресурслари сони ва сифатини сақлаб қолиш қобилиятидир”[4]; Л.А.Орланюк-Малицкая яна бир тадқиқотида, сугурта компаниясининг молиявий барқарорлиги “унинг молиявий ресурсларининг шундай ҳолати (сон ва сифат), бу билан бозор субъектларининг сугурта ҳимояси билан боғлиқ риск шароитида унинг тўловга қобилигини таъминлайди”[5] деб таъкидлайди. Компаниянинг молиявий барқарорлиги ва мослашувчанлигини аниқлаш учун А.М.Бест асосий йўналишдаги олти кўрсаткични ҳисоблашни таклиф этади: ливеридж (молиявий халқа, капиталлашув, кредитлардан фойдаланиш), компания капитали таркиби, қайта сугурта дастурларининг сифати ва макбуллиги, зарарлар ва заҳираларнинг ўзаро мос келиши, активлар сифати ва диверсификацияси, ликвидлик[6]. Тадқиқотчи Н.Маврулованинг фикрига кўра, сугурта компаниясининг тўлов қобилиятини бошқариш мақсадларида кенг маънода риск динамик барқарорлик ҳолатини йўқотиш эҳтимоли ва қутилган натижадан четга чиқиш сифатида таърифланиши мумкин[7].

Тадқиқот мақсади ва усуллари (Методология и исследования Research Methodology).

Мазкур тадқиқотни амалга ошириш жараёнида эмпирик, статистик ва таққослама тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты. Analysis and results).

Юқорида келтирилган тадқиқотчиларнинг фикрларидан ҳамда ўз хулосамиздан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, суғурта фаолиятида суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги суғурталанувчиларнинг уларга бўлган ишончини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини аниқлаш ва уни ошқор этиб бориш масаланинг иккинчи жиҳати ҳисобланади. Алоҳида суғурта компанияси ва умумий суғурта бозорининг молиявий ҳолатини кўрсатиб берувчи муҳим таҳлилий кўрсаткичлар сифатида қуйидаги кўрсаткичларни келтириш мумкин:

суғурта тўловлари коэффициенти – суғурта операцияларининг зарарлилик даражасини белгиловчи кўрсаткич (тўланган суғурта қопламаларининг тўпланган суғурта мукофотларига нисбати);

харажатлар коэффициенти – операция харажатлар самарадорлиги (операция харажатларининг тўпланган суғурта мукофотларига нисбати);

активлар рентабеллиги коэффициенти – активлар даромадлигининг даражаси (соф фойданинг соф активлар ўртача қийматига нисбати);

капитал рентабеллиги коэффициенти – хусусий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги (соф фойданинг хусусий маблағларнинг ўртача қийматига нисбати);

комбинациялашган коэффициент – инвестицион даромад олингунга қадар рентабеллик (тўловлар коэффициенти суммасининг харажатлар коэффициентига нисбати);

инвестицион портфел даромадлиги (инвестицион даромаднинг соф инвестицион портфел суммасига нисбати).

Суғурта соҳасини тартибга солишчи ва назорат қилувчи органнинг суғурта бозори тўғрисидаги ҳисоботи маълумотлари асосида юқоридаги кўрсаткичларнинг фақат биттасини – суғурта тўловлари коэффициентини ҳисоблаш имконияти мавжуд. Бундан хулоса қилиш мумкинки, суғурта компанияларининг молиявий аҳоли тўғрисидаги маълумотлар шаффофлиги мамлакатимизда етарли даражада таъминланмаган ва бу ўз ўрнида суғурталанувчилар ва потенциал суғурталанувчиларда суғурта компанияларига бўлган ишончнинг етарли эмаслигига сабаб бўлмоқда. Ушбу муаммо суғурта соҳаси билан боғлиқ муаммолар бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчилар учун ҳам қийинчилик туғдирмоқда.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда шаффофлик ва очиклики таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Daniel Schwarcz тартибга солишчи органнинг қўллаб-қувватлаши натижасида суғурта фаолиятининг шаффоф ва очиклигини таъминлаш суғурта бозорининг самарадорлигини кескин ошириши мумкин, деб ҳисоблайди[8].

Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашда компания инвестиция маблағларининг ҳажми ва ушбу фаолиятнинг самарадорлиги муҳим ўрин тутишини эътиборга олганда ушбу фаолиятнинг самарадорлигини ошириш масаласи долзарб ҳисобланади ва бунга эришиш учун инвестиция инструментлари хилма-хиллигини ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Корхоналар иқтисодиётини тадқиқ қилиш корхона фаолиятини режалаштириш, молиявий бошқариш, инвестицияларни назорат қилиш ва ҳисобини юритиш каби иқтисодий инструментларни шакллантиришга йўналтирилади. Суғурта компаниясини молиявий бошқариш вазифаси риск шароитида қарорлар қабул қилишдан иборат[9].

Энди суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги ва тўловга қобилигига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиб бориш масаласига эътиборни қаратмоқчимиз, чунки бундай омилларни таҳлил қилиб бориш молиявий барқарорлик ва тўловга қобилик даражасини ошириш имкониятини яратишда муҳим ҳисобланади.

Суғуртада суғурта компанияси учун барқарорлик ва хавфсизликка интилиш муҳим ҳисобланади. Суғурта компанияларига нисбатан кўп ҳолларда “биринчи ўринда ишончлилик” концепцияси қўлланилади[10].

Тўловга қобиликка таъсир кўрсатувчи омиллар деганда фаолиятни амалга ошириш ва суғурта компанияси капитали

тузилиши ва таркибини шакллантириш жараёнларида юзага келадиган жараён ва ҳолатлар тушунилади.

Миллий амалиётда суғурталовчининг молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими шаклланиш жараёнида турибди. Суғурта ташкилотининг фаолият кўрсаткичлари ҳар қандай бозор иштирокчисининг молиявий ҳолатини кўрсатувчи умумий кўрсаткичларни ва суғурта ташкилотининг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи махсус кўрсаткичларни ўз ичига олиши олиши керак.

Биз таклиф этаётган кўрсаткичлар суғурта компанияси суғурта фаолиятини, инвестиция фаолиятини ва молиявий фаолиятни амалга ошириши жараёнида юзага келадиган ва тўловга ноқобиликни келтириб чиқарадиган рискларни баҳолаш имконини беради.

Суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган рискларни тавсифлаш учун суғурта мукофотининг етарлилиги, қайта суғуртанинг самарадорлиги ва суғурта портфелининг баланслашганлиги даражасини таҳлил қилиш зарур.

Таҳлил суғурта турлари ва бозор сегментлари бўйича амалга оширилиши ҳамда суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари ва суғурта қопламалари таққосланиши керак.

Агар келтирилган нисбатлар 1 дан катта бўлса, бу суғурта мукофотининг етарли эмаслигини билдиради. Келтирилган нисбатларнинг бирортаси бажарилмаганда, аммо бунда уларнинг суммаси 1 доирасида бўлганда ҳам эътибор талаб қилинади. Бу шу билан боғлиқки, бир элементни бошқаси билан ёпиш бир марталик хусусиятга эга бўлиши мумкин, яъни кейинги даврларда бундай имконият бўлмайди ва демак мукофотнинг етишмаслик ҳолати юзага келади.

Нисбатнинг бузилишига суғурта тарифини нотўғри калькуляция қилиш сабаб бўлиши мумкин. Суғурта тарифини аниқлашда алоҳида олинган суғурта компаниясига асосланиш эмас, балки кенгрок статистик асосга таяниш ишончлироқ бўлади. Суғурта компанияси тариф ҳисобини амалга ошириш учун актуарий ёки бошқа мутахассисларни жалб қилиши ҳам мумкин. Агар тариф ҳисоби тўғри амалга оширилган ҳолатда риск юзага келса, демак бундай ҳолатда суғурта суммасининг зарарлигида ўзгариш юз берганлигидан, катастрофа rischi ёки зарарлар кумуляцияси юзага келганлигидан далолат беради. Бундай ҳолатда катастрофик рискнинг юзага келиши битта суғурта ҳодисасининг юз бериши билан суғурта компаниясида катта сондаги полислар бўйича жавобгарлик юзага келади. Катастрофик рисклар сифатида зилзила, сув босиши, тўфон ва бошқаларни келтириш мумкин. Катастрофик рискларнинг юзага келишига, бир хил хусусиятдаги рискларнинг битта ҳудудда тўпланиб қолиши сабаб бўлиши мумкин. Кумулятив риск шундай хусусиятга эгаки, бунда бир суғурта ҳодисасининг юз бериши бошқа кўринишдаги суғурта ҳодисаларининг юз беришига олиб келади. Бундай ҳолатнинг юзага келишига суғурта компаниясининг суғурта портфелида бир-бирига боғлиқ бўлган рискларнинг мавжудлиги сабаб бўлиши мумкин. Бундай рисклардан холи бўлиш учун суғурта компанияси тариф ставкасини ошириши, қайта суғурта ҳимоясидан фойдаланиши ёки катастрофик ва боғлиқ рискларни чиқариб ташлаши зарур бўлади. Талабнинг камайишига сабаб бўлувчи тариф ставкасини кўтариш тадбирига муқобил сифатида суғурта шартномасида шартсиз франшизани қўллаш чорасини келтириш мумкин. Ушбу чора суғурта рискнинг камайишига олиб келади. Унинг афзаллиги шундаки, франшизани қўллаш (агар у юқори даражада бўлмаса) истеъмолчида тарифни кўтаришга нисбатан кам сезувчанликка эга. Келтирилган рисклардан холи бўлиш учун тизимли равишда тарифлар ҳисоби асосларини қайта кўриб бориш керак.

Суғурта мукофотининг етарли бўлмай қолиш ҳолатининг юзага келишига суғурта тарифига қиритилган режадаги суғурта мукофоти ҳажмининг тўпланмаганлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда юкламага ажратилган қисм компания ташкилий харажатларига етмай қолади ва натижада нетто қисм ҳисобидан мазкур харажатларни қоплашга тўғри келади. Бундай ҳолат кўпроқ янги ташкил этилган суғурта компанияларида юз беради.

Суғурта компанияси суғурта бозорида ўз ўрнини эгаллаш мақсадида тарифни пасайтириши мумкин. Аммо бундай ҳолатда у ўз зиммасига олган жавобгарликларини бажариши учун нетто қисмни камайтирмаслиги керак. Юкларнинг баъзи қисмларини эса маълум вақтга камайтириб туриши мумкин, масалан фойдадан воз кечиш, комисион тўловни камайтириш, ташкилий харажатларни

кискартириш ва ҳоказо. Ушбу харажатларни инвестицион даромад ҳисобидан қоплаши ҳам мумкин.

Сугурта портфелининг баланслашмай қолиш rischi шундай ҳолатлар билан боғлиқки, бунда сугурта портфели кам сондаги объектлардан ташкил топган бўлиши ёки ушбу портфелда йирик ва хавфли рисклар жойлашган бўлиши мумкин. Йирик рисклар йирик объектлардаги рисклар бўлиб, хавфли рисклар эса юз бериш эҳтимоли юқори бўлган ва юз берган ҳолатда катта ҳажмдаги зарарларга олиб келадиган рисклар ҳисобланади.

Баланслашган сугурта портфелига эга бўлиш учун портфелни куйидаги шартларга амал қилган ҳолда шакллантириш зарур:

- кумулятив ва катастрофик рискларнинг таъсирини камайтириш учун уларни ҳудудий тақсимлаш. Ушбу шартнинг амал қилишини таъминлаш учун, кўрсаткичларни алоҳида олинган географик сегментлар бўйича ялпи кўрсаткичларга таққослаб бориш ва шу асосда уларнинг умумий натижаларга таъсирини аниқлаш;

- рискларнинг нотекис тақсимланиши ва сугурта суммаларининг зарарлилигини камайтириш учун сугурта турларини диверсификациялаш (ўзаро боғлиқ рисклардан ташқари). Сугурта турлари бир-биридан сугурта суммаси зарарлилигининг бир текис ёки нотекис тақсимланиши бўйича фаркланади. Масалан, курилмалар ва уй жиҳозлари сугуртаси бир текис тақсимланиши билан тавсифланади, яъни сугурта суммасининг зарарлилиги узоқ муддат давомида ўртача кўрсаткич атрофида айланади. Табиий ҳодисалар, экологик, денгиз ва авиация сугуртаси бунга тесқари равишда бўлиб, сугурта суммаси зарарлилигининг нотекис тақсимланиши ҳосилдир. Бундай ҳусусият махсус заҳиралар ташкил этиш (барқарорлаштирувчи заҳира) ва қайта сугурталаш заруриятини келтириб чиқаради. Тиббий сугуртада эса рисклар бир текисда ошиб боради, бу эса тарифларни даврий равишда қайта кўриб боришни талаб қилади. Шунинг учун ривожланган сугурта бозорига эга мамлакатларда сугурта компаниялари тиббий сугуртани вафот этишдан ва вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотишдан сугурталаш турлари билан комбинациялаштирган ҳолда амалга оширадilar. Албатта бундай тадбирларни амалга ошириш бирмунча мураккаб ва шу билан бирга рискларнинг зарарлилик даражасини юмшатиш учун етарли эмас;

- бир сугурта ҳодисасининг иккинчиси билан боғлиқлигини йўқотиш учун сугурта суммаси ва сугурта объектларини дифференциялаш. Ушбу шароитни таъминлаш максимал ва минимал сугурта суммаларига эга бўлган сугурта шартномаларининг ҳиссасини кўрсатувчи сугурта суммаларини тақсимловчи кўрсаткич

орқали назорат қилиниши мумкин. Бунда максимал сугурта суммаларига эга бўлган сугурта шартномалари сони кўп бўлган ва минимал сугурта суммаси шартномалардан сон жиҳатидан кескин фарқ қилган ҳолатлар баланслашмаган портфелнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Баҳолаш сугурта турлари ва бозор сегментлари бўйича амалга оширилиши керак.

Баланслашмаган сугурта портфелини йўқотиш ва унинг ҳосил бўлишининг олдини олиш учун сугурта компанияси хавфлилик даражаси юқори бўлган ва катта миқдордаги суммаси сугурта шартномаларидан воз кечиши ёки катта сугурта заҳираларини ташкил этиши ҳамда ишончли қайта сугурта таъминотига эга бўлиши керак.

Сугурта компанияси инвестиция фаолиятини амалга ошириши давомида юзага келадиган инвестициявий рискларни таҳлил қилиб бориш учун активлар ликвидлиги, диверсификацияси, қайтишлилиги ва даромадлиги кўрсаткичларини аниқлаб боришни тақлиф этамиз.

Мажбуриятларни ўз вақтида амалга ошириш учун активлар ликвидлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Ликвидлик таъминланмаслик ҳолатининг юзага келишига сифатсиз менежмент ва дебиторларнинг тўловга қобилиятсизлиги (доимий ёки вақтинча) сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса (Заключение. Conclusion).

Таҳлиллар ва амалга оширилган изланишлар асосида куйидаги тақлифлар ишлаб чиқилди:

- сугурта компанияси бир маромда фаолият кўрсатиши учун сугуртанинг ҳар бир тури бўйича эквивалентлик шартни бажарилишини таъминлаш;

- сугурта компаниясининг устав капитали, ҳусусий капитали, эркин активлари, сугурта заҳиралари ва сугурта портфелларини доимий таҳлил қилиб бориш;

- сугурта компаниялари молиявий барқарорлик ҳолатини рейтинг баҳолаш инструментларини жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ва сугурта компанияларига берилган рейтинг кўрсаткичларини кенг жамоатчиликка тушунарли кўринишда эълон қилиб бориш;

- сугурта ташкилотларининг иқтисодий-молиявий фаолиятини изчил ўрганиш ва уларнинг мазкур фаолиятига баҳо бериб бориш ва бунда актуар фаолиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

References:

1. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Финансы предприятий. Москва, ИНФРА-М, 1998. 343 с.
2. Ҳақбердиев Б. Ўзбекистонда сугурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: ТМИ 2020.
3. Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш. –Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. –6.28
4. Орланюк-Малицкая Л.А. Платежеспособность страховой организации. Москва, Анкил, 1994, с.4
5. Орланюк-Малицкая Л.А. О понятиях и факторах финансовой устойчивости страховых компаний//Вестник финансовой академии. Москва, ФиС; 1998, №1, с.33-38
6. Best's Insurance Reports – International. An Explanation of Best's Rating System and Procedures. –The Insurance Information Source, Ed. 1999. –р.19
7. Mavtulova, N. (2023). SUG'URTALOVCHILARNING RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH VA XALQARO STANDARTLAR TALABLARIGA MUVOFIQLASHTIRISH. Страховой рынок Узбекистана, 1(1), 58–61. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/9>.
8. Daniel Schwarcz. Transparently Opaque: Understanding the Lack of Transparency in Insurance Consumer Protection. Scholarship Repository University of Minnesota Law School 61 UCLA L. REV. 394 (2014).
9. Sears, Roebuck and Co. and Affiliated Corporations v. Commissioner. 96 TO No.5 (1991).
10. Крутик А.Б., Никитина Т.В. Организация страхового дела. СПб.: Изд.дом “Бизнес-пресса”. 1999. –с.304..